

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 07 куни, жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман суди, ўзининг биносидида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси Э.Абдуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси З.Қўлдашевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мингбулоқ туман прокурорининг ёрдамчиси О.Худайбердиев, судланувчи У.Вахабов ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Турсункулов, жабрланувчи Б.Юсупова ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Ғайбуллаева, жабрланувчи Д.Ибрагимова, А.Мамадалиев, Х.Саримсоқовларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан судланувчи Вахабов Умид Зарифжановичга оид 1-1601-2507/959-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Вахабов Умид Зарифжанович, (Vahabov Umid Zarifjanovich), 1977 йил 12 апрелда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, сўздан тadbиркорлик билан шуғулланади, Наманган вилояти, Янги Наманган тумани, “Ёшлик” МФЙ, Сарбон кўчаси, 24-уйда яшайди, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, ишда мавжуд бўлган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи У.Вахабов ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил ноябрь ойларида жабрланувчи Юсупова Барно Ўрмановнани алдаб, унга амалда Вахабов Жаҳонгир Жобир ўғлининг номида бўлган 26.08.2022 йил куни Нурматова Дилфуза Нематовнадан 250.000.000 сўмга баҳоланиб “Давр-банк” Наманган БХМдан расмийлаштирилган 175.000.000 сўмлик кредит асосида сотиб олинган Давлатобод тумани, Истиқлол МФЙ, 55-уй, 17-хонадонни сотишини, уйни ҳужжатларида ҳеч қандай муаммоси йўқлигини, айтиб, ундан бўлиб-бўлиб 408.785.400 сўмга тенг бўлган жами 33.600 АҚШ доллари пулларини тўлиқ олиб, хонадон ҳужжатларини уларнинг номига расмийлаштириб бермасдан, 2025 йил 10 январь куни мазкур хонадонни Турсунбаев Фарход Алишер ўғлига 420.550.000 сўмга тенг бўлган 32.500 АҚШ долларига сотиб юбориб, Турсунов Муҳаммад Шералиевичнинг номига хонадон ҳужжатларини расмийлаштириб бериб, фирибгарлик қилиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи У.Вахабов ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ёки ишончни суистеъмол



қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил июнь ойларида Давлатобод тумани, Мустақиллик МФЙ, 12-уй, 18-хонадонда яшовчи жабрланувчи Ибрагимова Дилафруз Рустамжановнинг уй сотиб олмоқчи бўлиб юрганидан хабар топиб, унга сотиб олиши учун хонадон топиб беришини айтиб, ишончига кириб, 171.000.000 сўмга тенг бўлган жами 15.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, ҳеч қандай уй топиб бермасдан, олинган пуллардан 10.000 долларини қайтариб, қолган 5.000 долларини қайтармасдан ўзининг эхтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи У.Вахабов ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил октябрь ойида Учқўрғон тумани, Фарғона МФЙ, Гулистон кўчаси, 49-уйда яшовчи жабрланувчи Мамадалиев Абдурашид Махаматхоновичнинг ишончига кириб, ундан уй олди-сотдиси билан шуғулланишига пул кераклигини, пулларни сўраган захоти қайтаришини айтиб, алдаб 121.353.000 сўмга тенг бўлган 9.500 АҚШ доллари пулларни олиб, А.Мамадалиев бир неча маротаба пулларини қайтариб беришини талаб қилганидан сўнг, 1.250 АҚШ доллари миқдоридаги қисмини қайтариб, қолган 8.250 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни қайтармасдан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи У.Вахабов ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил ноябрь ойида Янгиқўрғон тумани, Наврўзобод МФЙ, Бирлик кўчаси, 32-уйда яшовчи жабрланувчи Саримсоқов Хикматулла Рахматуллаевичнинг ишончига кириб, 4.300 пул кераклигини, пулларни тез кунда қайтаришини айтиб, алдаб 55.319.500 сўмга тенг бўлган 4.300 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, Х.Саримсоқов бир неча маротаба пулларини қайтариб беришини талаб қилган бўлса-да, пулларни қайтармасдан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборган.

Судланувчи У.Вахабов, айбига иқроп бўлмасдан, илгари берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, у 25 йилдан буён уй-жой олиб сотиш билан шуғулланиб келишлигини, 2022 йил ёз фаслида унга кейинчалик танигани Абдуллаев Зарифа алоқага чиқиб Косонсой тумани, Чиндовул қишлоғидан эканлигини, уларга уй-жой топишда ёрдам беришини сўрагани, у улар билан яшаш уйи Давлатобод тумани, Янги тонг МФЙ, 55-уй олдида кўришгани, улар билан бирга ўғиллари Турғунов Фарход Шарифжонович ҳам бирга келишгани, улар ундан 25.000 АҚШ доллари атрофида нархда бўлган 2 хонали хонадон топиб беришини сўрашгани, шундан сўнг у уй-жой савдоси билан шуғулланувчи Абдулатиф исмли танишига телефон қилиб ундан сотиладиган 2 хонали уй жой бор ёки йўқлигини суриштиргани, Абдулатиф унга шундай уй-жой борлигини айтиб мижозларни олиб боришини сўрагани, шундан сўнг у уй-жой қидириб келган З.Абдуллаева ва Ф.Турғуновларни Абдулатиф тушунтирган экинзилга олиб боргани, улар Абдулатиф кўрсатган хонадонни кўришганидан сўнг хонадон уларга маъқул келгани ва Абдулатиф билан



24.000-25.000 АҚШ доллари атрофида нархини келишишгани ва Абдулатифга олдинда 1.000 АҚШ доллари пул беришгани, шундан сўнг орадан бироз вақт ўтиб ушбу хонадонга борилганида хонадон муҳрланган ҳолатда эканлигини кўргани, Абдулатифга телефон қилиб ушбу ҳолат бўйича тушунтириб беришни сўраганида у унга хонадон эгаси чет давлатга чиқиб кетганлигини айтиб аввалдан олинган пулни унга қайтариб олиб келиб бергани, З.Абдуллаева ушбу хонадонни сотиб олиш фикридан қайтишганлигини, Янги тонг МФЙдан хонадон топиб беришини айтган, шундан сўнг у З.Абдуллаева ва Ф.Турғуновларга 2022 йилда ёз ойларида қўшниси Д.Нурматовадан 26.300 АҚШ долларига сотиб олиб таъмирлатиб жиҳозланган Давлатобод тумани, Янгитонг МФЙ, 55-уй, 17-хонадонга олиб борганида уларга уй ёқиб қолиб ушбу уйни сотишини сўраб туриб олгани, у ушбу хонадонни “Давр банк” орқали кредит олиб 75.000.000 сўм ўз ҳисобидан 175.000.000 сўм 27 фоиз ҳар ой тўлаш шарти билан кредит олиб банк томонидан тўлов қилдириб сотиб олгани, хонадонни жияни Ж.Вахабовнинг номига расмийлаштириб қўйган бўлгани, у З.Абдуллаевага хонадон нархи қимматроқ эканлигини, хонадон кредитга олинганлигини 32.000 АҚШ долларига сотишини айтгани, шунда хонадон учун қанча пул бера олишларини сўраганида улар унга 2-3 кун ичида 27.000 АҚШ доллар бера олишларини, 5.000 АҚШ долларини эса 1 йил давомида беришларини айтишгани ва у бунга рози бўлгани, шундан сўнг у З.Абдуллаева ва Ф.Турғуновларга хонадонни 32.000 АҚШ долларга сотишга келишганидан сўнг 27.000 АҚШ доллари пулларни олиб келиб беришларини, шунда у банк кредитларини тўлаб, қолган 5.000 АҚШ доллари пулларни 1 йилда беришларини айтгани ва хонадон калитини уларга бергани, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг улар оила аъзолари билан хонадонга кўчиб келиб яшай бошлашгани, орадан 2-3 кун вақт ўтганидан сўнг 3.300 АҚШ доллари пулларни З.Абдуллаева, Ф.Турғунов ҳамда О.Рахматуллаевлар иштирокида телефонга видеотасвирга олган ҳолда қабул қилиб олгани, улар унга 23.700 АҚШ доллари пулларини далада экинларни сотишдан тушган даромадларидан беришларини айтишгани, у уларга ушбу пулларни тезлатиб беришларини банк кредитларини тўлаши кераклигини айтганида улар турли баҳоналар билан хонадон учун пулларни беришмагани, у ўз ҳисобидан банк кредит тўловларини тўлаб келгани, у ҳозирга қадар хонадон учун кредит пулларини тўлаб келгани ва кредит қарздорлиги қолмагани, 2024 йил декабрь ойларида у З.Абдуллаева ва Ф.Турғуновлардан пулларни беришларини сўраганида улар турли баҳоналар қилиб пулларни беришмагани, у ўз ишлари билан шуғулланиб юравергани, у З.Абдуллаева ва Ф.Турғуновларга ва келинлари Б.Юсуповага хонадон пулларини беришларини айтиб огоҳлантириб келгани, лекин улар хонадон учун пулларни беришмагани, хонадонни сотиб олиш мақсадида бўлган Д.Йўлчиев билан бирга уларни яшаш уйи Янги тонг МФЙ, 55-уй, 17-хонадонга борган вақтида улар пулни топиб беришларини айтиб муддат беришини сўрашгани, бироқ яна пулларни бермасдан келишгани, банк ходимлари кредит тўловини сўраб келишаётганлигини тўловларни амалга оширмаса иш судга жўнатилиши мумкинлиги ҳақида айтганида ҳам улар хонадон учун пулларни беришмагани, шундан сўнг улар уни устидан



ИИБ ходимларига улардан хонадон учун пул олиб номларига ўтказиб бермаганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилишгани, ушбу ҳолат бўйича ИИБ ходимлар ҳолатни ўрганишгани, у у ерда ҳам бўлган ҳолатни айтиб ўз кўрсатмаларини бергани, шунда у хонадон банк томонидан мусодара бўлиб кетмаслиги учун у М.Турсуновнинг номига ўтказиб бергани, шундан сўнг жияни М.Турсунов кредит тўлови учун 190.000.000 сўм пулларни тўлагани, бундан ташқари у уй-жой савдоси билан шуғуллангани сабабли Учқўрғон туманида нотариусда ишловчи А.Ибрагимов билан танишиб қолгани, у 2022 йилда А.Ибрагимовга Давлатобод тумани, Мустақиллик МФЙ, 12-уй, 18-хонадон сотгани, шу вақтларда уларга хонадонни 14.000 АҚШ долларга келишиб 12.000 АҚШ доллари пулларни аввалдан олиб хонадон ҳужжатларини расмийлаштириб бергани, орадан 3 ой вақт ўтганидан сўнг А.Ибрагимов унга қолган 2.000 АҚШ доллари пулларни ҳам бергани, шу тариқа улар билан яқин таниш бўлиб келгани, орадан 5 ой вақт ўтганидан сўнг А.Ибрагимовнинг турмуш ўртоғи Д.Ибрагимова унга алоқага чиқиб 100 АҚШ доллари пул қарз бериб туришини сўрагани, шунда у унга 100 АҚШ доллари қарз бериб тургани, шундан сўнг Д.Ибрагимова унга телефон қилиб Учқўрғон туманида бўлган хонадонини сотиб у билан бирга ишламоқчи эканлигини айтгани, шунда у ўйлаб кўришини айтганида Д.Ибрагимова уни тинч қўймай алоқага чиқавергани, шунда у билан бирга ишлашга рози бўлгани, 2022 йил ёз ойларида унга 15.000 АҚШ доллари пулларни бизнес ҳамкорликда ишлашини айтиб, бергани, шу тариқа Д.Ибрагимова билан ҳамкорликда тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлагани, у Д.Ибрагимовадан олган пулларни ўзининг тадбиркорлигига сарфлагани, у тадбиркорлик йўли билан топган пулларида Д.Ибрагимова сўраган вақт пулларни бериб келгани, у Д.Ибрагимовага тадбиркорликдан тушган фойда ҳисобидан пул бериб келгани, шундан сўнг 2024 йил 19 июнь куни у Д.Ибрагимова билан охириги марта олди-берди қилганида 10.000 АҚШ доллари пулларни қайтариб бергани ва унга яна 5000 АҚШ доллари пулларни бериши керак бўлгани, бу ҳақида у видеоёзув тақдим қилишини, шу орада у 2024 йил август ойларида Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида кўмир савдоси билан шуғулланиш учун пул тикишни бошлагани, у Д.Ибрагимовага бериши керак бўлган 5000 АҚШ доллари пулларни ҳайдовчилик билан шуғулланувчи, Аброр, Дилшод, Марат, Фарход ва Элдорбек исмли шахслар орқали Д.Ибрагимовага бериб юборгани, Д.Ибрагимова унга берган унда қолган 5000 АҚШ доллари учун ҳар ойга 10 фоиз ҳисобда 500 АҚШ долларида қўшимча пул ҳисоблаб ҳозирда ундан қўшимча 5000 АҚШ доллари пулларни беришни талаб қилаётгани, у кўмир савдоси билан шуғулланиб юрган вақтида Д.Ибрагимова уни А.Мамадалиев билан таништириб у билан бирга тадбиркорлик билан шуғулланишини айтгани, шунда у рози бўлиб А.Мамадалиев билан кўришиб гаплашганида у у билан ишламоқчилигини айтгани, шундан сўнг А.Мамадалиев билан бирга Ангрен шаҳрига бориб кўмир конидан кўмир олиб чиқиб сотишда расмий диллер бўлиб ишлагани, А.Мамадалиев унга 9000 АҚШ доллари пулларни бериб тадбиркорликда бирга ишлашини айтгани, шунда у 2024 йил сентябрь ойларида А.Мамадалиевдан 9000 АҚШ доллари пулларни олиб



тадбиркорликдан тушган фойдадан 1500 АҚШ доллари пуллари қайтариб бергани, шунингдек у А.Мамадалиевга ойлик сифатида 1200-1300 АҚШ долларидан пул бериб келгани, шу орада ишлари орқага кетиб қолгани, диллер сифатида бирга ишлаган Д.Алиев уларни кўмир конидан чиқариб юборгани, бу ҳолат бўйича ИИО ходимлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилгани, Д.Алиев пулларни қайтариб беришини айтгани, ишлари орқага кетганидан сўнг А.Мамадалиев ундан тадбиркорликка тикилган пулларни қайтариб беришни талаб қила бошлагани, ҳозирда А.Мамадалиев ундан 7000 АҚШ доллари пулларни талаб қилмоқдалигини, у тадбиркорликда ҳамкорлик қилиб ишлаган вақтида ишлари орқага кетган вақт А.Мамадалиев пулларни қайтариб беришни сўраётганлигини, ишлари яхши бўлиб турганида ундан фойдани олиб турган бўлса-да олган пулларини ҳисобини олмагани, шунингдек у 2011 йилларда у сўраётган Х.Саримсақов билан 2011 йилдан буён танишлигини, у билан уй-жой савдосида биргаликда шуғулланиб келгани, 2024 йил декабрь ойларида у бизнес шерикчилик учун 4000 АҚШ доллари пулларини 300 АҚШ доллари фойдаси билан қайтариб бериш шарти билан олгани, у ҳозирда ушбу пулларни қайтариб беришни сўраб келгани, унинг ўзи унга уй-жой олиш вақтида қарзларини қайтариб бериши мумкинлигини айтгани, у Х.Саримсақов билан фойдага шерикчилик учун пул олгани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган зарарлар оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи У.Вахабовнинг айби ўзининг кўрсатувларидан ташқари, қўйидаги далиллар йиғиндиси билан, жумладан:

Судда сўралган жабрланувчи Б.Юсупова, илгари берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, 2022 йил ноябрь ойларида қайнонаси З.Абдуллаева ва турмуш ўртоғи Ф.Турғунов билан бирга сотиб олиш учун уй қидириб юрган вақтларида уй-жой савдоси билан шуғулланувчи судланувчи У.Вахабов билан танишиб қолгани, шундан сўнг У.Вахабов уларга сотиладиган уйларни кўрсатишни бошлагани, у кўрсатган уйлар уларга маъқул келмагани, улар икки хонали уй сотиб олмоқчи бўлишгани, шундан сўнг Давлатобод тумани, Тўқувчи МФЙда жойлашган уйлардан бири уларга маъқул келгани, шунда У.Вахабовга ушбу уйни 19.000 АҚШ доллари нарҳда эканлигини айтгани, уларга ушбу уй маъқул келиб аввалдан уйни сотиб олиш учун У.Вахабовга 1000 АҚШ доллари беришгани, шундан сўнг турмуш ўртоғи орадан 3 кун вақт ўтиб ушбу уйни таъмирлатиш учун борган вақтида уй муҳрланган ҳолатдалигини кўргани, У.Вахабовдан мазкур ҳолат бўйича изоҳ беришини сўраганида у уйнинг эгаси ҳаж сафарига кетиб қолганлигини айтгани, шундан сўнг улар У.Вахабовдан пулларни қайтариб беришини сўраган вақтида у уларга Давлатобод тумани, Янги тонг МФЙ, 55-уй хонадонларни кўрсатгани, улар уйни олмаслигини айтиб 1000 АҚШ доллари пулларни қайтиб беришини сўраганида у уларни ўзининг ёлғонларига ишонтиргани, уларга 55-уй 22-хонадонни кўрсатиб ушбу хонадон нарҳини 22.000 АҚШ долларга баҳолагани, уларга уй маъқул келгани, бироқ У.Вахабов ўзини жиянига мўлжаллаб қўйганлигини айтиб уй сотилмаслигини айтгани, шундан сўнг



17-хонадонга олиб чиқиб ушбу хонадонни 32.000 АҚШ доллар нархга баҳолагани, улар У.Вахабовга бунча кўп пули йўқлигини айтганида У.Вахабов кечгача пулларни қайтариб беришни айтгани, орадан 2 кун вақт ўтиб У.Вахабов уларнинг Косонсой тумани, Замондош МФЙдаги уйига келгани, у уларнинг қўшниси билан қариндош бўлгани, шунда У.Вахабов турмуш ўртоғига агар 27.000 АҚШ доллари пул қилиб берсак қолган 5000 АҚШ долларини 2023 йил куз фаслигача қилиб бераверишини айтгани, шунда улар У.Вахабовни ўз ёлғонлари билан уларни ишончига киргани ва улар унинг таклифига рози бўлишгани, 2025 йил 01 декабрь куни улар Давлатобод тумани, Истиқлол МФЙ, 55-уй 17-уйдан бир қават тепадаги 22-хонадонда У.Вахабов яшашини айтгани, турмуш ўртоғи Ф.Турғуновнинг хисоб-китоб билан пул бермаганлигидан фойдаланиб хисоблаб кўрилганда жаъми бўлиб 33.600 АҚШ доллари пулларни олгани, бироқ уларга ушбу уй хужжатларини расмийлаштириб бермагани, ушбу хонадон Ж.Вахабовнинг номига кредитга расмийлаштирилган бўлгани, улар бу хонадон кредитга расмийлаштирилганлигини билишмагани, У.Вахабовга уйни номига расмийлаштириб беришини айтганида у турли баҳоналар билан уларга уйни расмийлаштириб бермасдан келгани, улар У.Вахабовни Ли Алла исмли корейс аёлга ҳам уй олиб беришни ваъда қилиб пул олиб алдаганлиги ҳақида эшитиб қолишгани, улар ўртасида фуқаролик суд ишлари бўйича иш кўриб чиқилиб судда корейс аёл Ли Алла ютиб чиққани, улар хонадон кредитга олинганлиги ҳақида хабар эшитиб қолиб У.Вахабовга телефон қилишганида у уларга хонадон ҳеч қандай кредитга олинмаганлиги ҳақида айтиб уларни ўзининг ёлғонларига ишонтиргани, бироз вақт ўтганидан сўнг У.Вахабовдан уйни номига ўтказиб беришини сўрашганида у хонадон учун 130.000.000 сўм кредит тўлаганлигини айтиб ушбу пулларни улар бериши кераклигини айтгани, улар рози бўлмаганидан сўнг улар 33.600 АҚШ доллари бериб олган 55-уй, 17-хонадонни бошқа бир шахсга сотиб юбориб хонадон хужжатларини унинг номига ўтказиб қўйгани, шундан сўнг улар ариза билан мурожаат қилишгани, 2025 йил 25 март куни фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судида улар уйдан мажбурий тартибда чиқариш бўйича М.Турсуновнинг аризаси кўриб чиқилгани, ҳозирда уларга етказилган 33.600 АҚШ доллар миқдоридаги зарар судланувчининг оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлиги сабабли уни судланувчи У.Вахабовга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган жабрланувчи Д.Ибрагимова, илгари берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, ҳақиқатдан ҳам судланувчи У.Вахабовни танишлигини, турмуш ўртоғим А.Ибрагимов билан У.Вахабов яқин таниш бўлишгани, 2021 йилда У.Вахабов уларга ҳозирда яшаб келаётган Давлатобод тумани, Мустақиллик МФЙ, 12-уй, 18-хонадонни сотиб олишида ёрдам бергани, У.Вахабов уй олди-сотдиси билан шуғилланиб келишини, Учқўрғон тумани марказида жойлашган хонадонини 18.000 АҚШ долларига сотиб Давлатобод туманидан янги хонадон сотиб олмоқчи бўлгани, уни янги уй сотиб олишидан мақсади билан Д.Қурбоновни уйлантириб шу хонадонга кўчириб ўтказмоқчи



бўлгани, шу мақсадда У.Вахабовдан 2023 йил ёз ойларида арзон нархда уй топиб беришни илтимос қилгани, шундан сўнг у ундан қаердан уй олиб беришини сўраганида Давлатабод тумани, 6-кичик туманда жойлашган кўп қаватли уйлардан олиб беришни айтгани, шундан сўнг ундан ўша йили 15.000 АҚШ доллари миқдорда пул олгани, шундан сўнг таниши У.Вахабов ундан пулларни олганидан кейин орадан маълум вақт ўтганидан сўнг унга бир нечта хонадонларни кўрсатгани, унга У.Вахабов кўрсатган хонадонлар маъқул келмагани, охириги марта унга Давлатабод тумани, Давлатабод МФЙдаги 2-уйнинг 4-қаватида жойлашган хонадонни сотиб олишни таклиф қилгани, ушбу кўрсатган хонадон унга унчалик ёқмагани, чунки ён атрофида шароит яхши эмаслигини, бундан ташқари хонадон деразаси қабристон томонга қараганлиги сабабли ушбу уйни сотиб олиш фикридан қайтгани, у У.Вахабовга бошқа хонадон топиб беришни айтгани, У.Вахабов бошқа уй-жой топиб беришни айтгани, бироқ унга бошқа уй-жой кўрсатмагани, шунда у У.Вахабовдан агар уй топиб бермайдиган бўлса пулларимни қайтариб беришни сўрагани, у пулларни қайтариб беришни айтиб имконияти бўлмаганлиги сабабли пулларини қайтариб бера олмаётганлигини ундан олган пулларни ўзининг бизнесига тикканлиги сабабли ишлари юришмаётганлиги учун пулларни қайтара олмаётганлигини айтиб келгани, у бир неча марта У.Вахабовдан пулни беришни сўрайверганидан сўнг у орадан 1 йил вақт ўтиб унга 10.000 АҚШ доллари пулларини қайтариб бергани, у У.Вахабовга қолган пулларни ҳам қайтариб беришни сўраганида тез орада беришни айтиб келгани, бироқ унга бериши керак бўлган 5000 АҚШ доллари пулларни қайтариб бермай келгани, ҳозирда уларга етказилган зарар судланувчининг оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлиги сабабли уни судланувчи У.Вахабовга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган жабрланувчи А.Мамадалиев, илгари берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йилнинг ёз ойларида ишсиз бўлгани сабабли ёшликдан таниш бўлган Д.Ибрагимова уни судланувчи У.Вахабов билан таништириб қўйгани, у У.Вахабов билан кўришиб у билан бирга кўмир савдоси билан шуғулланишни бошлагани, Тошкент вилояти, Ангрен туманида жойлашган кўмир конида У.Вахабов билан бирга кўмир олиб сотиш билан шуғулланиб келгани, 2024 йилнинг куз ойларида кўмир савдоси билан шуғулланишни тамомлаганида У.Вахабов ундан қарзга пул бериб туришини аввал уй-жой савдоси билан шуғуллангани сабабли уй-жой савдоси билан шуғулланиб туришда фойдаланишини айтгани, унга пул зарур бўлган вақт сўраган вақтида берган пулларини қайтариб беришни айтгани, у унинг гапларига рози бўлгани, ўзида бўлган 9500 АҚШ доллари пулларни У.Вахабовга ўзининг яшаш жойи бўлган Янги Наманган тумани “Globus” дорихонаси атрофида машина ичида бергани, у унга пул берган вақтида улар билан бирга ҳеч ким бўлмагани, 2024 йил 10 октябр кун қизини никоҳ тўйи маросимини ўтказиш учун У.Вахабовдан пул бериб туришини сўраганида У.Вахабов унга 1000 АҚШ доллари пулларни қайтариб бергани, шундан сўнг У.Вахабовга яна бир нечта ҳаражатлар борлигини айтганида у унга 250 АҚШ доллари



пулларни бергани, шундан сўнг У.Вахабов билан бирга уй-жой савдоси билан шуғулланишида ёнида юргани, У.Вахабов Давлатобод тумани, Истиқлол МФЙ, 55-уй, 17-хонадонни бир шахсга сотганлигини ушбу шахс хонадон пулларини бермаганлиги сабабли хонадонни сотиб пулларни ўша шахсга бериши кераклиги, хонадон кредитга олинганлиги кредит қарздорлигини ёпиш учун пул зарур эканлиги ҳақида айтгани, ҳозирда уларга етказилган зарар судланувчининг оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлиги сабабли уни судланувчи У.Вахабовга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган жабрланувчи Х.Саримсоқов, илгари берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, ҳақиқатдан ҳам у 2014 йилдан буён Янгиқўрғон тумани, Ўзак қишлоғида жойлашган “Қирмизи олмалар” фермер хўжалигида раҳбар бўлиб ишлаб келишлигини, ундан ташқари уй-жой савдоси билан ҳам шуғулланиб туришлигини, 2011 йилларда судланувчи У.Вахабов билан унга Давлатобод тумани, Умид МФЙ, 5-уйдан хонадон топиб берганида танишгани, У.Вахабов ҳам уй-жой савдоси билан шуғулланиб келгани, шундан сўнг 10-15 марта У.Вахабов билан биргаликда уй-жой олиб-сотишда фаолият олиб боргани, 2024 йил октябрь ойларида У.Вахабов ундан 4000 АҚШ доллари пулларни фойдаланиб туриш учун қарз сифатида қайтариб беришини айтиб бериб туришини сўрагани, шунда у унга 4000 АҚШ доллари пулларини бериб тургани, 2024 йил ноябрь ойларида У.Вахабов уни чақириб олган қарзи эвазига оқ рангли “Жентра” русумли автомашинасини сотиб олишини таклиф қилгани, шунда у У.Юлдашевга кўнғироқ қилиб сотиб олишни истаса сотиладиган оқ рангли Жентра машинаси бордлигини айтгани, шунда У.Юлдашев уларни олдига келиб У.Вахабов сотмоқчи бўлган “Жентра” машинасини ҳолатини кўргани, автомашина ҳолати У.Юлдашевга маъқул келиб ушбу автомашинани 11.500 АҚШ долларига сотиб олишга келишгани, ушбу пуллардан уни қарзини қайтариб бергани, эртаси куни автомашинани У.Юлдашевни номига расмийлаштириш вақтида автомашина кредитга олинганлиги 98.500.000 сўм кредит пулларини тўланмаса автомашинани таъқиқдан чиқариб бўлмаслиги маълум бўлгани, бу ҳақида У.Юлдашев унга телефон қилиб пулларни қайтариб беришини сўрагани, шунда у У.Вахабовга телефон қилиб У.Юлдашевни олдида ҳижолат бўлиб қолганлигини ўртага тушгани сабабли ушбу масалани ечиб беришини сўрагани, шунда У.Вахабов ундан 4.300 АҚШ доллари қарз бериб туришини машинани таъқиқдан чиқариб У.Юлдашевни номига ҳужжатларини расмийлаштириб бериб бўлганидан сўнг ундан олган 4300 АҚШ доллари пулларни қайтариб беришини айтгани, у рози бўлиб У.Вахабовга Давлатобод тумани, Умид МФЙ, Черямушка бекати атрофида 4300 АҚШ доллари пулларни бергани, У.Вахабов ундан 4300 АҚШ доллари пулларни олиб У.Юлдашевга автомашина таъқиқдан чиқариб ҳужжатларини унинг номига расмийлаштириб бергани, бироқ ундан олган 4300 АҚШ доллари пулларни турли баҳоналар қилиб қайтариб бермай келгани, ҳозирда унга етказилган зарар судланувчининг оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлиги сабабли уни судланувчи У.Вахабовга нисбатан моддий ва маънавий



зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган гувоҳ М.Исроилова, илгари берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, ҳақиқатдан ҳам, судланувчи У.Вахабов уни узоқ қариндоши бўлишлигини, у уй-жой савдоси билан шуғулланиб келишлигини, 2024 йил баҳор фаслида У.Вахабов унга телефон қилиб З.Абдуллаева ҳақида сўраб суриштиргани, шунда у сўраб суриштирганида ўртоғининг опаси З.Абдуллаева эканлигини билаб У.Вахабовга таниши ҳақида айтгани, шунда У.Вахабов уларга Давлатобод тумани ҳудудидан уй-жой сотганлигини айтиб З.Абдуллаеванинг оиласи тавсифини сўраб суриштиргани, у уларни яхши оила эканлигини айтгани, шундан сўнг орадан 3-4 ой вақт ўтганидан сўнг У.Вахабов унга телефон қилиб келишувдаги пулни бермаётганлигини уларнинг ер-жойи бор йўқлигини сўраб беришини сўрагани, у З.Абдуллаеванинг ер-жой ҳақида суриштирганида Косонсой тумани, Ўзбекистон МФЙ ҳудудида ер-жой борлиги деҳқончилик қилиб рўзғор тебратишлари ҳақида билиб У.Вахабовга бу ҳақида айтгани, у Давлатобод туманига келиб У.Вахабов билан кўришганида З.Абдуллаевага сотилган уй жой учун кредит тўловларини тўлаётганлиги ҳақида айтгани, у Агробанк орқали 4.000.000 сўм атрофида хонадон учун тўловларни амалга оширгани, у унга нима сабабдан ўзи тўлов қилаётганлигини хонадонни сотиб олганларни ўзи тўламаётганлигини сўраганида У.Вахабов агар кредит тўланмаса фоиз туғиб ташлаши ҳақида айтгани, У.Вахабов унга телефон қилиб З.Абдуллаеванинг оиласи яхши деганлигини улар пулларни бермаётганлигини айтгани, У.Вахабов пулларни беришни сўраганида пулларни беришолмаётганлигини айтгани, шундан сўнг у ҳам З.Абдуллаеванинг оиласи келини Б.Юсупова ва Ф.Турсунова билан гаплашилганида улар пулларни беришганлигини айтишгани, бироқ У.Вахабов келишилган пулларни бермаганлигини айтса ҳам улар пулларни берганини айтиб туриб олишганини, лекин у улар ўртасидаги олди-бердиларда қатнашмаганлигини ва устида бўлмаганлигини айтиб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ З.Абдуллаева, илгари берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, ҳақиқатдан ҳам, улар 2022 йил хонадон сотиб олиш мақсадида юрган вақтида аввалдан таниш бўлмаган судланувчи У.Вахабов билан танишиб қолишгани, судланувчи У.Вахабов уларга уй-жой олиб беришни айтиб улардан жаъми 33.600 АҚШ доллари пулларни олиб бизга ҳозирда келини Б.Юсупова ва ўғли Ф.Турсунов яшаб келаётган Давлатобод тумани, Истиклол МФЙ, 55-уй, 17-хонадонни бергани, бироқ У.Вахабов уларга уйни расмийлаштириб бермасдан бошқа шахсларни номига уй-жойни расмийлаштириб бергани, судланувчи У.Вахабов улардан 130.000.000 сўм пул беришлари кераклигини, шунда хонадонни уларнинг номига ўтказиб беришини айтгани, ҳозирда уларга етказилган зарар судланувчининг оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлигини айтиб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Ф.Турғунов, илгари берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, ҳақиқатдан ҳам улар 2022 йил хонадон сотиб олиш



мақсадида юрган вақтиларида уларга аввалдан таниш бўлмаган судланувчи У.Вахабов билан танишиб қолишгани, судланувчи У.Вахабов уларга уй-жой олиб беришни айтиб улардан жаъми 33.600 АҚШ доллари олиб уларга хозирда у ва турмуш ўртоғи Б.Юсупова яшаб келаётган Давлатобод тумани, Истиқлол МФЙ, 55-уй, 17-хонадонни бергани, бироқ У.Вахабов уларга уйни расмийлаштириб бермасдан бошқа шахсларни номига уй-жойни расмийлаштириб бергани, У.Вахабов улардан 130.000.000 сўм пул бериши кераклигини шунда хонадонни уларнинг номига ўтказиб беришини айтгани, ҳозирда уларга етказилган зарар судланувчининг оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлиги айтиб кўрсатув берди.

Шунингдек, гувоҳ Ф.Турсунбоев ва Н.Алиеваларнинг судда берган кўрсатувлари билан;

Гарчанд судда судланувчи У.Вахабов айбига иқрор эмаслигини айтиб кўрсатув берсада, унинг бу кўрсатувларини жабрланувчиларни судда берган кўрсатувлари ва сўзлашувлар стенограммаси ва SMS ёзишмалари ва гувоҳларнинг дастлабки терговда ва судда берган кўрсатув билан рад қилиб ҳуқуқий оқибатни билиб, жавобгарликдан қутилиш мақсадида келтирган важи деб танқидий баҳолайди.

Шунингдек, судланувчи У.Вахабовнинг айби юқоридагилардан ташқари жиноят ишида тўпланган аризалар, сўзлашувлар стенограммалари, юзлаштириш баённомалари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, SMS ёзишмалари, насрани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, дисклар, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Вахабовнинг ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил ноябрь ойларида жабрланувчи Б.Юсуповани алдаб, унга амалда Вахабов Жаҳонгир Жобир ўғлининг номида бўлган 26.08.2022 йил куни Нурматова Дилфуза Нематовнадан 250.000.000 сўмга баҳоланиб “Давр-банк” Наманган БХМдан расмийлаштирилган 175.000.000 сўмлик кредит асосида сотиб олинган Давлатобод тумани, Истиқлол МФЙ, 55-уй, 17-хонадонни сотишини, уйни хужжатларида ҳеч қандай муаммоси йўқлигини, айтиб, ундан бўлиб-бўлиб 408.785.400 сўмга тенг бўлган жами 33.600 АҚШ доллари пуллари тўлиқ олиб, хонадон хужжатларини уларнинг номига расмийлаштириб бермасдан, 2025 йил 10 январь куни мазкур хонадонни Турсунбаев Фарход Алишер ўғлига 420.550.000 сўмга тенг бўлган 32.500 АҚШ долларига сотиб юбориб, Турсунов Мухаммад Шералиевичнинг номига хонадон хужжатларини расмийлаштириб бериб, фирибгарлик қилиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритгани, бундан ташқари, судланувчи У.Вахабов ўзининг жиний хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил июнь ойларида Давлатобод тумани, Мустақиллик МФЙ, 12-уй, 18-хонадонда яшовчи жабрланувчи Д.Ибрагимованинг уй



сотиб олмоқчи бўлиб юрганидан хабар топиб, унга сотиб олиши учун хонадон топиб беришини айтиб, ишончига кириб, 171.000.000 сўмга тенг бўлган жами 15.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, ҳеч қандай уй топиб бермасдан, олинган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, бундан ташқари, судланувчи У.Вахабов ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил октябрь ойида Учқўрғон тумани, Фарғона МФЙ, Гулистон кўчаси, 49-уйда яшовчи жабрланувчи А.Мамадалиевнинг ишончига кириб, ундан уй олди-сотдиси билан шуғулланишига пул кераклигини, пулларни сўраган захоти қайтаришини айтиб, алдаб 121.353.000 сўмга тенг бўлган 9.500 АҚШ доллари пулларни олиб, А.Мамадалиев бир неча маротаба пулларини қайтариб беришини талаб қилганидан сўнг, 1.250 АҚШ доллари миқдоридаги қисмини қайтариб, қолган 8.250 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни қайтармасдан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборгани, бундан ташқари, судланувчи У.Вахабов ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил ноябрь ойида Янгиқўрғон тумани, Наврўзобод МФЙ, Бирлик кўчаси, 32-уйда яшовчи жабрланувчи Х.Саримсоқовнинг ишончига кириб, 4.300 пул кераклигини, пулларни тез кунда қайтаришини айтиб, алдаб, 55.319.500 сўмга тенг бўлган 4.300 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, Х.Саримсоқов бир неча маротаба пулларини қайтариб беришини талаб қилган бўлса-да, пулларни қайтармасдан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборишда ифодаланган жиноий қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 4-бандида Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича маълумотлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг нияти, ваколати (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёхуд қонуний асосларда фаолият юритувчи тадбиркор сифатида кўрсатиши ва ҳ.к.) тааллуқли бўлиши мумкин.

Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предмети сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш ва ҳ.к. киради.



5-бандида Фирибгарликда ишончни суистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахсинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

7-бандида Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши;

20-бандида, Айбдорнинг ҳаракатларида анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда фирибгарлик содир этилиши каби квалификацияловчи белги мавжудлиги тўғрисидаги масала ЖК саккизинчи бўлимида баён этилган тушунтиришларга мувофиқ ҳал этилиши лозим.

29-бандида ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак, Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра 30 адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг



шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 12-бандида судлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятга оид ишлар бўйича зарарни қисман қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ЖК 57-моддасини қўллаш масаласини муҳокама этиши, жумладан, жиноят натижасида етказилган зарар суммасининг камида ярми айбдор томонидан қопланганлиги жазони жиддий камайтирувчи ҳолат деб топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи У.Вахабовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида 3 нафар фарзандлари борлигини, жиноят натижасида жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларни даъвоси йўқлигини ва қонуний енгиллик бериш ҳақидаги талабини, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан оилавий шароити тўғрисида тузилган далолатномасини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қилмишда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этган жиноятларининг ижтимоий



хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, қонун талабларига амал қилиб, жиноят натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини ва жабрланувчини қонуний енгиллик бериш ҳақидаги талабини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши ҳақидаги қонун нормаларига таяниб, ЖК 168-моддаси 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, қилмиш ҳозирда ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлигини инобатга олиб, қонун талабларига амал қилиб, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, унинг 21.05.2025 йил кунидан 07.11.2025 йил кунига қадарли қамоқда сақланган жами 171 кунини, ҳар бир куни, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисобланиб, тайинланган жазодан чегириб ташлашликни, унга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишни ва суд залидан дарҳол озод қилишни лозим топади.

Суд, жиноят натижасида етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, жиноят натижасида жабрланувчи А.Мамадалиев, Х.Саримсоқов, Д.Ибрагимова ва Б.Юсуповаларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини ва уларнинг моддий ва маънавий зарарлар бўйича судланувчига даъвоси йўқлигини ҳамда қонуний енгиллик бериш ҳақидаги талабини инобатга олишни лозим топади.

Шунингдек, суд, ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган ёзма далиллар ва дискларни жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи Вахабов Умид Зарифжанович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, унинг 21.05.2025 йил кунидан 07.11.2025 йил кунига қадарли қамоқда сақланган жами 171 кунини, ҳар бир куни, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисобланиб, тайинланган жазодан чегирилиб, судланувчи Вахабов Умид Зарифжановичга ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда,



1 (бир) йил 7 (етти) ой 2 (икки) кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Янги Наманган тумани ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи У.Вахабовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд мажлиси залидан қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчи А.Мамадалиев, Х.Саримсоқов, Д.Ибрагимова ва Б.Юсуповаларга жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва унинг моддий ва маънавий зарарлар бўйича давоси йўқлиги ҳамда қонуний енгиллик бериш ҳақидаги талаби инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ёзма далиллар ва дисклар жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида, шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга ва прокурор протест киритишга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Э.Абдуллаев

